

ВАТАНГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИ МУНОСИБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Тошкент давлат тиббиёт университетига ташриф буюриб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, тиббиёт муассасаларида хизматлар сифатини ошириш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тақдироти билан танишди.



Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг ўзига 230 триллион сўм йўналтирилди. Бунинг ҳисобига жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга тушди, 1 минг 244 таси реконструкция қилиниб, жиҳозланди.

Тиббиётдаги бу ўзгаришларни миллионлаб одамлар ўз ҳаётида ҳис этмоқда, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимиз тиббиётида илгор технологиялар жорий этилиб,

таълим жараёнларига ҳам кенг татбиқ қилинмоқда. Хусусан, учта олий таълим муассасаси негизда Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Саккизта тиббиёт олий таълим

муассасаси халқаро аккредитациядан ўтди. Бу соҳада замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш имкониятлари янада кенгайди.

Тошкент давлат тиббиёт университетида инфратузилма яхшиланиши натижасида

таълим олувчилар сони 29 минг 864 нафарга етди. Ўқув жараёнлари энг замонавий талаблар даражасига кўтарилиди, рақамлаштириш фаол давом этмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар

натижалари ҳақида ахборот берилди. Мамлакат бўйлаб давлат тиббиёт муассасалари замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланди, ягона рақамли инфратузилма шакллантирилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА

Кадрли ватандошлар!

Мамлакатимиздаги энг оммавий фуқаролик институти аъзолари бўлган сиз, азизларини 11 ноябрь — Касаба уюшмалари куни билан чин қалбидан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзининг юксак ҳурматини ва эзгу тилакларини изҳор этаман.

Хеч шубҳасиз, ушбу байрамнинг юртимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда ўтаётгани унинг файзи ва шукуҳини янада оширмоқда.

Барчамиз яхши тушунамизки, Янги Ўзбекистон — аввало, инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати қонун асосида ишончли ҳимоя қилинадиган давлат дегани.

Шу боис, Ўз сафларида саккиз миллионга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, адолат ва тенглик тамойилларини таъминлаш борасидаги бир асрдан зиёд таърибга мактаби мамлакатимизда янги жамият, янги давлат барпо этишида биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳақиқатни чуқур тушунган касаба уюшмалари фаоллари ижтимоий соҳадаги дастурларимизни амалга ошириш, айниқса, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ёшлар, муҳтарам кексаларимиз, азиз аёлларимиз манфаатларини ҳимоя

қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Фақат сўнгги 5 йилда сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан қарийб 500 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тиклангани, корхона ва муассасаларда 20 мингга яқин жамоатчилик назорати ва гендер тенгликка оид аудит тadbирлари ўтказилгани, меҳнат муҳофазаси юзасидан 21 мингдан ортиқ камчилик бартараф этилгани, салкам 1 миллион ходим ва уларнинг оила аъзолари, 1 минг 200 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилгани, 800 минг нафардан зиёд болалар учун ёзги дам олиш имкониятлари яратилгани диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилот ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани, Федерациямиз ўнга яқин халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлгани ҳам унинг кенг фаолиятидан далолат беради.

Хурматли дўстлар!

Яқинда сизлар билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган, ҳаракат тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирадиган учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, унинг тармоқлар ва жойлардаги бўлимлари фаолиятини атрофлича таҳлил этиб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олдик.

Ана шу учрашувда сизларнинг кўпгина соҳаларда ижтимоий шериклиқни кенгайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларда ходимлар, айниқса, норасмий тарзда банд бўлган фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларнинг касб ва меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш тизимини кучайтириш, умуман, норасмий бандликка чек қўйиш бўйича ташаббусларингиз билан танишиб, соҳа ходимлари бутун халқимиз қатори ўз олдида улкан мақсадлар қўйиб яшаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Турли ижтимоий-иқтисодий зиддиятларга тўла бўлган ҳозирги мураккаб замонда бундай кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш албатта осон эмас.

Бунинг учун, аввало, “яшил иқтисодиёт” ва сунъий интеллект жадал ривожланаётган даврда меҳнат бозорида янгича муносабатлар шаклланаётгани, ўнлаб касблар бўйича платформали бандлик йўлга қўйилаётганини ҳисобга олиб, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаёт ва хавфсизликни сугурталашга доир ҳуқуқий нормаларни қонунчилигимизда аниқ белгилаб қўйишимиз, шу асосда янгича иш тизимига ўтишимиз зарур.

Халқаро меҳнат стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимизнинг 2026-2030 йиллар учун мўлжалланган

Муносиб меҳнат бўйича дастурини ишлаб чиқиш ва касаба уюшмалари фаолиятининг келгуси беш йиллик стратегик йўналишларини белгилаб олиш ҳам долзарб масаладир.

Ана шу вазифаларни самарали адо этишда ўз ҳаётини инсон манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу ишга бағишлаган, соҳада кўп йиллардан буён самарали хизмат қилиб келатган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг барча жонқуяр фаоллари ва аъзолари бой билим ва тажрибасини ишга солиб, фидокорона меҳнат қиладилар деб ишонаман.

Ўз навбатида, биз ҳозирги ўта муҳим тараққиёт босқичида юртимизда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда касаба уюшмаларининг давлат идоралари билан янада яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари учун қўшимча шароит ва имкониятларни яратиб беришга тайёرمиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни мамлакатимиз касаба уюшмаларининг қутлуғ айёмлари билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Давоми 2-бетда

ИСЛОМОБОДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСЛОҲОТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон элчихонаси Исломобод Стратегик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда покистонлик етакчи эксперт, “Жанубий Осиё тадқиқотлари ва халқаро муносабатлар” таҳлил маркази ижрочи директори Меҳмуд ул-Ҳасан Хоннинг “Шавкат Мирзиёев: ислохотлар ва минтақавий интеграциянинг буюк етакчиси” китобининг тақдироти маросимини ўтказди.

Маросимнинг асосий меҳмони Покистон миллий мерос ва маданият вазири Аврангзеб Хон Кҳичи бўлди. Тадбирда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, парламент аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, бизнес ва илм-фан соҳалари мутахассислари, ОАВ ҳамда Исломобод ва унинг атрофида яшовчи ватандошлар иштирок этди. Тақдирот икки давлат мадҳияларини қуйлаш ва Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятига

бағишланган ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди.

Тақдиротни Исломобод Стратегик тадқиқотлар институти директори Соҳид Маҳмуд очиб берди. У ушбу академик маросим институти биносидан ташкил этилганидан мамнун эканини, бу борган сари динамика тус олаётган икки томонлама жадал ҳамкорлик руҳига мос келишини қайд этди.

Давоми 2-бетда

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАХРИЙЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Қ.Рақиев иштирокчиларни байрам билан қутлади.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилган. Юртимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари бу имкониятдан самарали фойдаланиб, ислохотларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқот тамойиллари асосида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга аҳоли фаровонлигини ошириш, бандликни таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш йўналишларида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда.

Давоми 3-бетда

Пойтахтимизда 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан касаба уюшма фахрийлари билан учрашув ҳамда мазкур тизимда ўтказилган турли ижтимоий лойиҳа ва танловлар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

АРМОНУ ЁЛҒОН, ЗАМОН ВА ИНСОН...

Айтишларича, юз ёшдан кейин инсон танаси ўзини қайта тиклашни бошлайди. Бунга мисол тариқасида узоқ умр кўрган бобо-момоларимизнинг юз ёшдан кейин янги тишлари чиқа бошлашини келтириш мумкин.

Ҳа, нафақат инсон танаси, руҳияти, балки давлат ва жамият, турли соҳа ва тармоқлар ҳам кўп йиллик турғун ҳолатидан сўнг қайта жонланиш, янгидан ривожланиш даврини бошдан ўтказиши мумкин. Бунга “қайта тугилиш” деб таъриф берса бўлади.

120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилоти ҳам бутун тараққиётнинг янги босқичини бошдан ўтказмоқда. Кейинги 8-9 йил давомида ташкилот фаолиятида туб ислохотлар кечиби, том маънода ўзининг вазифаси ҳисобланган инсон қадарини улуглаш, ишчилар манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнаткашларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш вазифаларини самарали бажарувчи тузилмага айланди.

Давлатимиз раҳбари таклифига кўра, 2020 йил 23 ноябрдаги тегишли қонун ҳужжати биноан мамлакатимизда 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни деб эълон қилинди. Ушбу санани мажозий маънода янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари таваллуд куни дейиш мумкин. 2019 йилда қабул қилинган “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун ҳамда 2023 йилда қучга кирган янгиланган “Меҳнат кодекси” каби ҳужжатлар ташкилот фаолияти самардорлигини оширишда қўл келмоқда.

Давоми 3-бетда



11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАХРИЙЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Бунга охириги 8 йилда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий шерикликнинг юқори босқичга кўтарилгани ҳам ёрқин далилдир. Натижада “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди. Федерация тизимида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилди. Шунингдек, Малака ошириш институти, Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи, Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси, Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти фаолияти йўлга қўйилди.

Тизимда мавжуд 18 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи сони 107 тага етказилди. 2016 йилда касаба уюшмалари тизимида 17 та санаторий фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 33 тага етди. Жаҳон стандартларига тўла жавоб берувчи Касаба уюшмалари сув спорти саройи фойдаланишга



топширилди. Яна бир муҳим жиҳат, охириги йилларда касаба уюшма аъзолари сони 8 миллион нафардан ошишига эришилди.

Парламент палаталарида касаба уюшмалари фаоллари кўпаймоқда. Бу ҳалқимизнинг касаба уюшмаларига ишончи ортиб бораётганидан далолатдир.

Жорий йил 17 октябрь куни Президентимизнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида бу борада эришилаётган ютуқлар алоҳида эътироф этилиши баробарида олдинда турган вазифалар ҳам белгиб берилди. Бугунги кунда мамлакатимизда касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимлари жорий этиш каби йўналишларда тизимли ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ишчи гуруҳи тарихчи олимлар, мутахассислар, фахрийлар билан ҳамкорликда

Байрам тадбирида, шунингдек, кўп йиллик самарали меҳнати, эришган алоҳида ютуқлари билан соғлиқни сақлаш, илмфан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш, касаба уюшмалари нудузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келётган юртдошларимиз ва халқро ҳамкорларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган “Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси лауреати” мукофотининг 2025 йилги совриндорларига ҳам мукофот тантанали равишда топширилди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилган республика кўрик-танлови ҳамда электр энергияси ва ёқилғи энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши касаба уюшма ташкилоти танлови ва бошқа йўналишлардаги танловлар голиблари ҳам тақдирланди.

Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА,
журналист

ДАВР НАФАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллигига

“2016 йил Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлгач, мамлакатимизда туб ислохотлар бошланди, мазмун-моҳияти янгича қиёфа касб этди. Амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар марказида инсон манфаатлари туриши, давлат ташкилотларининг бирламчи вазифаси халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилиш экани илгари сурилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан буткул воз кечиш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

АРМОНУ ЁЛҒОН, ЗАМОН ВА ИНСОН...

Ташкилотнинг кейинги беш йиллик фаолиятидаги рақамларга назар ташласак, унинг инсон кадрини улуғлаш сиёсатидаги ўрни ҳамда ишчи-ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш ва ҳақ-ҳуқуқларини ишончли таъминлашдаги фаоллигини баҳолаш мумкин. Жумладан, касаба уюшмаларининг корхона-ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги жонбозлиги натижасида 500 мингга яқин ходимнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, улар фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилди. Шунингдек, ишдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланган 1000 ходимга 35 миллиард сўм тоvon пули тўланди.

Бундан ташқари, ноҳақ бўшатишган 13 минг ходим ишга тикланди. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг 27,5 мингга яқин мурожаати кўриб чиқиши натижасида 32,5 мингдан зиёд шахсининг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига қарийб 106 миллиард сўм маблағ ундирилди. 13 минг ходим ишга тиклангани шунча оиланинг қора қозони қайнашдан тўхтамади деганидир.

Қайд этилаётган қийматлар шунчаки рақамлар эмас, унинг ортида инсон тақдир турибди. Ушбу маблагга кимдир ўғлини ўқитган бўлса, кимдир уй-жойга эга бўлди. Яна бошқалари оила куриб, янги ҳаёт бошладди.

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги очиклик сиёсати, дунё давлатлари, хусусан, қўшни мамлакатлар, қардош ўлкалар билан манфаатли ҳамкорлик, дўстлик ва биродарлик алоқалари куцайиши ташкилот фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, Халқро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификациялаш бўйича ҳамкорлик янги босқичга чиқди. Ўзбекистон ташаббуси билан тузилган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши ҳамда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти аъзолари билан фол ҳамкорлик қилинаётгани ҳам эътиборга молик.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз шу йил 17 октябрда касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказилган учрашувда алоҳида қайд этиб ўтганидек, **“Ҳеч шубҳасиз, биз эришаётган натижаларда 8 миллионга яқин аъзога эга, энг халқчил ва катта нодавлат ташкилот бўлган касаб уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор”**.

Айниқса, аҳолини рози қилиш, инсон қадри, манфаатларини улуғлаш йўлидаги жадал ислохотлар, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнат, болалар меҳнатига қарши кураш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатидаги ютуқларда бу ташкилотнинг ўрни ва аҳамияти залворилдир.

Тарихсиз келажак йўқ деб бежиз айтишмайди. Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи чуқур ўрганилди. Натижада ташкилот 120 йиллик тарихга эга экани аниқланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи ташкил этилди. Тарихини ўрганиш баробарида келгусида қандай ислохотлар қилиш зарурлиги янада ойдинроқ кўрина бошланди.

Келинг, эшитганларимиз, кўрганларимиз, ўқиб-изланганларимиз ва кенг тасаввур оламимиз билан ушбу ташкилот тарихига бир кўр назар ташлаймиз. Шунда бугунги ютуқлар ҳайбатини кўз олдимизга тейанроқ келтиришимиз мумкин бўлади. Келгусидаги долзарб вазифалар борасида янги ғоя ва ташаббуслар уйғонади.



Тарихсиз келажак йўқ деб бежиз айтишмайди. Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи чуқур ўрганилди. Натижада ташкилот 120 йиллик тарихга эга экани аниқланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи ташкил этилди. Тарихини ўрганиш баробарида келгусида қандай ислохотлар қилиш зарурлиги янада ойдинроқ кўрина бошланди.

Келинг, эшитганларимиз, кўрганларимиз, ўқиб-изланганларимиз ва кенг тасаввур оламимиз билан ушбу ташкилот тарихига бир кўр назар ташлаймиз. Шунда бугунги ютуқлар ҳайбатини кўз олдимизга тейанроқ келтиришимиз мумкин бўлади. Келгусидаги долзарб вазифалар борасида янги ғоя ва ташаббуслар уйғонади.

Армон

Болалик чоғларимда эрта тонг уйқудан турсам, онам ёнимда ётганига бирор марта кўзим тушмаган. Доим қўёшдан олдин уйғониб, ҳовли этагидидаги молхонада жонсарақ юрган бўларди. Сўнг мен ҳам ёнига бориб, қўлларидан ушлаб олардим. Онам билан бирга қўй-қўзиларга емиш берардик.

Бу болалигимнинг бахтли дамлари эди. Сабаби, онамни фақатгина ўша азон пайтида кўра олишим мумкин эди. Чунки пахта даласидан келгунича ухлаб қолардим. Агар эрталаб онам кетишидан олдин уйғонолмай қолсам, ҳўрлигим келиб, соатлаб йиғлашга тушардим.

Мол-ҳолга қараб бўлгач, онам мени бобонимнинг ёнига киритиб юборарди, кейин эса бўйинига этагини олиб, қишлоқ аёллари билан далага йўл оларди. Бобонимнинг кўрпаси остига киришим билан кеч куз тонги шабадасидан жунжиккан танам роҳат оларди. Бобом елкамга уриб, алла ўрнига бир шеърни хиргойи қиларди:

“...неча асрлар ухладинг ётиб,
Қумушдек танинг балчиқча ботиб.
Бир парча куйган қора нон учун
Ёшш чоғингдан ўз кучинг топиб.
Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон!
Сена ишлашга етишди замон...”

Ёлғон

Тўнтаришдан сўнг ҳокимиятга келган собиқ совет тузуми даврида турли йўналишдаги тузилма, ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилиши ҳам улар қалбида ҳаёти яхшиланишига умид уйғотди. Масалан, ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муассасаси — Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши 1925 йилда фаолият бошлаган. Бу ташкилот ўша пайтлардаги энг йирик

тузилмалардан бири эди. У деҳқонлардан тортиб, йирик саноат корхоналари ишчиларига қамраб олган муассаса бўлган. Унинг асосий вазифаси ишчилар манфаатларини ҳимоя қилиш бўлса-да, аслида, сифат назоратини текшириш, жазолаш билан шугулланди. Вазифаларидан яна бири инсонларни ўқиб-изланишга эмас, фақат меҳнат қилишга, меҳнат ортидан фароғатга эришиш мумкинлигига тарғиб этиш бўлди. Боси, совет ҳукумати ўзбекларга фақат катта ишчи кучи сифатида қаради. Уларнинг меҳнатидан фойдаланибгина қолмай, минтақанинг ер ости ва усти бойлиқларини меҳнаткашлар қўли билан ташиб кетиш бўлган.

Турли бадий асарлар, театр, кейинчалик кинофильмлар асосида бир пайтлар илм машъали билан дунёни ёритган миллатимизга сизлар фақат меҳнат қилиш учун яратилгансизлар деган ғояни сингдиришга уринишарди. Илм ва ижодкорлик ўзбекларга эмас, деган ғоя халқ онига мажбуран тикиштирилди. Энг ачинарлиси, буни халқ, ўзбек ёшларининг танлови ўлароқ кўрсатишга уринишди. Бу йўлда қораланган юзлаб бадий асарлар, кинофильмларни мисол келтириш мумкин.

Масалан, “Маҳаллада дув-дув гап” фильмида онаси маҳоратли раққоса бўлишини хоҳлаган қиз уйдагиларини консерваторияда



ўқияпман деб алдаб, аслида, консерва заводиди ишлаши эпизодада ҳам мана шу мафкура ётади.

Бу даврдаги ишчилар ҳаётини мен онамнинг хотиралари билан жонлантиришга уринаман. Онам айтарди: ерни қор қоплаган декабрь ойи бўлишига қарамай, далада гўзалар қорини тушириб, пахта терардик. Далада меҳнат қилиётган инсонлар устидан самолётда дори сениш ҳолатлари бўларди.

Булар ўша пайтда ҳукумат Ўзбекистонликларни кўпроқ ишчи кучи сифатида кўрганини исботлайди.

Замон

Мустақилликнинг илк йилларида касаба уюшмаси фаолияти қайтадан қатор чиқилди. Жумладан, қонунчиликда кўриб ўзгаришлар амалга оширилди. 1992 йилда “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қаролатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва эркинликларни Конституцияда ифодасини топди. Амалдаги касаба уюшмалари фаолияти эски совет тузумидан мақсад ва моҳиятига кўра тубдан фарқланди.

Аммо айрим ҳолатлар, камчилик ва муаммолар тўлиқ бартараф этилмади. Хусусан, мажбурий меҳнат, мажлисбозлик ва бўйруқбозликлар давом этарди. Амалдор ва ишчи-ходимлар ўртасидаги номуносаби муносабат ҳали мавжуд эди. Қонунчиликда белгиланган иш жадвалига амал қилинмасди, ишчи-ходимларга етарли шарт-шaroит яратилмаган эди. Агар бундан қайсидир ходим шикоят қилиб чиқса, дарров айби топилиб, вазифасидан озод этиларди. Касаба уюшмалари ташкилотлари эса бунга томошабин бўлиб қолаверарди, холос.

Айниқса, пахта мавсумида мактаб ўқувчиларидан тортиб университет талабаларига қадар йиғим-теримга жалб қилинарди. Ўқувчи ва устоз-мураббийлар ўқув йилининг икки-уч ойини пахта даласида ўтказарди. Нафақат таълим муассасалари, балки шифоналар, темир йўл ишчилари, ички ишлар ходимлари — барча соҳа вакиллари пахта далаларига олиб чиқиларди.

Ўша йилларда мактаб ўқувчиси бўлганим учун бу муаммони ўз танамда ҳис қилиб кўрганман. Шоир Матназар Абдулҳаким бир шеърда 4-синфда пахта теримига чиққани ва ўқитувчиси шапалоқ уриб, қўлогидан чўзганини ёзади. Бу манзара гуё менинг ҳаётимдан олингандек туюлади...

...Лекин шеърлар ёзганимда ҳеч бўлолмади илҳом булоғи.
Нима қилай, пахта десалар
Қаттиқ оғрий бошлар қулоғим,
дея шеърига якун ясайди шоир. Ўша вақтда бола ҳаёлим билан отам-онам, ўқитувчимдан кўп бора: “Нега биз ўқини ташлаб, пахта даласига чиқамиз”, деб сўрардим. Уларнинг жавоби бир хил бўларди: “Ҳозир шундай замон, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Бу гапларингни биров эшитмасин”.

Инсон

2016 йил Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлгач, мамлакатимизда туб ислохотлар бошланди, мазмун-моҳияти янгича қиёфа касб этди. Амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар марказида инсон манфаатлари туриши, давлат ташкилотларининг бирламчи вазифаси халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилиш экани илгари сурилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан буткул воз кечиш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Албатта, барчаси бир кунда барҳам топиб қолмади, лекин қисқа фурсатда бу борада керакли қонуний меъёрлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда катта тажриба пайдо бўлди деб айтишимиз мумкин.

Халқро меҳнат ташкилоти фахрийси, халқро эксперт Қари Топилола **“Пахта далаларида ишончининг мустаҳкамланиши: Халқро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги фаолияти”** китобида Ўзбекистонда мажбурий меҳнат муаммоси қандай ҳал этилганини кўрсатишга ҳаракат қилган. У: **“...хатто чуқур илдиз отган муаммо ҳам ҳал қилиниши мумкин экан. Бунинг Ўзбекистон нисолида кўрдик. Аввало, давлат раҳбарининг қатъий сиёсати зарур, иккинчидан эса ишонч муҳитини яратиш шарт. Мажбурий меҳнатга қарши курашда давлат органлари ва касаба уюшмалари, шунингдек, халқро ташкилотлар бир майдонда ишлай олди. Ҳозир дунёда бу муаммога дуч келётган мамлакатлар кўп. Улар Ўзбекистон тажрибасидан икки жиҳатини ўрганиши мумкин. Биринчидан, раҳбарнинг шахсий иродаси ва масъулияти бу масалаларда ҳал қилувчи ўрин тутайди, иккинчидан, барқарор ҳамкорлик орқали ҳақиқий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин”**, деган.

Мажбурий меҳнатдан воз кечиш сиёсати Ўзбекистонда нафақат инсон ҳуқуқлари таъминланиши, балки мамлакатнинг халқро имиж, иқтисодий ривож ва инвесторлар ишончини эгаллашга ҳам катта фойда берди.

Бўйўдаги ислохотлар мажбурий меҳнатга барҳам бериш билангина якунланмади, балки ташкилот-муассаса ҳолатига яхши меҳнат шaroитлари яратиш, байрам ва дам олиш кунларини оила даврасида ўтказиши учун керакли имконият таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Муассасаларда иш жадвалини қонунчилик меъёрларидан келиб чиққан ҳолда тузиш, мажлисбозликни камайтириш борасида қатъий топириқ ва ташаббуслар билан чиқилди.

Шунингдек, байрам ёки дам олиш кунлари турли чегирма ва енгилликлар берилган ҳолда икки туризмни ривожлантириш орқали ишчи-ходимларнинг маданий ҳордиқ чикариши таъминланди. Қадрлар малакасини ошириш, ёшларни турли соҳаларга йўналтириш борасида ҳам катта ислохотлар кечди ва ўз навбатида, бу йўналишда замон талабларига мос ўзгариш ва янгиланишларга эришилди.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонда бугунги ишчи-ходимларга нисбатан, аввало, инсон сифатида муносабатда бўлиш тизими шаклланди. Албатта, ушбу ташаббусларни ҳаётга таътиб этишда касаба уюшмалари фаоллари жонбозлик кўрсатмоқда.

Зеро, “Янги Ўзбекистон” ғояси марказида инсон қадрини улуғлаш, ҳаёти фаровонлигини ошириш мақсади ётади. Бу йўлда янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари камрабаста бўлмоқда.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

